

КИШЛОК ХАЖЖАТИ

1990 йил 12 март

ДУШАНБА

№ 58 (4.852)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДА

МОСКВА, 11 март. (ТАСС). Бугун Кремлда эр- талабот соат 10 да КПСС Марказий Комитетининг пленуми очилди.

Ташдан аввал икки масала: «СССР Конституциясининг 6-ва 7-моддалари юзасидан СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари сьезидидаги тақдирларни кўриштириш тўғрисида»ги, шунингдек «КПСС-нинг XXVIII сьезидидаги тақдирлар, партияди ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказиш муддатлари, вақолат нормаси ва сьезд делегатларини сайлаш тартиби тўғрисида»ги масалалар муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда КПСС Москва

шаҳар комитетининг биринчи секретари Ю. А. Прокофьев, Қирғизистон ССР Министрлар Советининг раиси А. Жумагулов, Қозоғистон Компартияси Жамбул область комитетининг биринчи секретари С. М. Бойонов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ички ишлар министри В. В. Бақтин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Тула область комитетининг биринчи секретари Ю. И. Литвинцев, СССР адлия министри В. Ф. Яковлев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, ВЦСПС секретари В. М. Мишин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг Польша республикасидаги фавақулда ва мухтор элчиси В. И. Бровиков, КПСС платформасига амал қилувчи Литва Компартияси муваққат Марказий Комитетининг иккин-

чи секретари В. Н. Швед, КПСС Марказий Комитетининг секретари, «Правда» газетасининг бош муҳаррири И. Т. Фролов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко, Белоруссия Компартияси Гродно область комитетининг биринчи секретари В. М. Семенов, СССР Фанлар академияси иқтисодиёт бўлимининг академик секретари вазифини адо этувчи С. С. Шаталин қатнашди.

Ташдан кейин КПСС Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини давом эттирди.

Пленумда КПССдан СССР халқ депутатлигига сайлов ўтказилади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

«СССРда Мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш ҳақида

СССР Олий Совети қарор қилади:

1. «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонуни 1990 йил 1 июлдан кучга киритилсин.

2. СССР Иттифоқи ва иттифокдош республикаларнинг қонунари «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштириб олинувчи қадар ССР Иттифоқи, иттифокдош ва автоном республикаларнинг амалдаги қонуни ҳужжатлари қўлланилаверадиган, чунки улар мазкур Қонунга зид эмас.

3. «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонуни ушбу Қонун кучга киритилгандан кейин вужудга келган қонуний муносабатларга нисбатан, яъни 1990 йил 1 июлдан қўлланилади.

1990 йил 1 июлгача вужудга келган қонуний муносабатлар юзасидан «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонуни ушбу Қонун кучга киритилгандан кейин вужудга келган қонуний муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Ушбу Қонун 7-моддаси 2-бандининг қондалари 1990 йил 1 июлдан аввал ҳам, кейин ҳам вужудга келган қонуний муносабатларга жорий этилади.

4. «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонуни давлат мулкига: умумий иттифокдош республикаларнинг, автоном республикаларнинг, автоном округларнинг, мулкига, коммунал мулкка дахлдор қондалари мулкнинг мазкур турлари бир-бирдан фарқлашишига қараб кучга кирди.

СССР Министрлар Совети 1991 йил 1 июлгача иттифокдош республикаларнинг ҳукуматлари билан биргаликда ва автоном республикаларнинг иштироки билан умумий иттифокдош республикаларнинг мулкни бир-бирдан фарқлаши таъминласин.

Бунда республика қарамогиди корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мулкидан ташқари иттифок қарамогиди корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг иттифокдош республика мулкни қилиб топшириладиган мулк ҳам иттифокдош республиканинг мулкига кириши кераклигига асосланб иш тутилсин.

Белгиланб қўйилсинки, иттифокдош республиканинг мулк билан шун республика таркибига кирувчи автоном республикалар, автоном областлар, автоном округлар ва маъмурий-территориал тузилмаларнинг мулкни бир-бирдан фарқлаш ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўзда тутилган принципларга буюнон.

СССР Олий Советининг Раиси М. ГОРБАЧЕВ. Москва, Кремль, 1990 йил 6 март.

(«СССРда Мулкчилик тўғрисида»ги СССР Қонуни матни газетанинг 2-ва 3-саҳифасида эълон қилинмоқда).

ДЕҲҚОН ДАЛАГА ОШИҚМОҚДА

Фасллар келинчаги — баҳор чор ағроғи ўз себини ёймоқда. Дов-дархатлар бодрокдек гуллаб, она-замини узра ям-яшил чойшаб тўшалган. Қўш тафти тупроқни қиздира бошлаши билан деҳқоннинг тинчи бузилди. Экин-тинчи таралдуди. Ҳақин тус олди. Амударё соҳилида жойлашган Гагарин районининг «Шоликор» совхози деҳқонлари ҳам бундан мустасно эмас.

Бепойи шолипоёлари экинга тайрлаш — ниҳоятда масъулияти юмш. Чеклар ўта текис бўлиши, уруғ сеппилча, пайкаллар дарҳол сувга бостирилиши лозим. Шу мақсадда ҳозир ерни текислаш, қайта ҳайдаш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Ариқ ва зовурлар тозаланиб, тартибга келтириляпти. Қўриган қамшилар қуйдирилимоқда. Сув насослари ўрнатилаяпти. Хуллас, ҳамалда шоликорларнинг юмушлари нақадар саломли экинлигини ҳар қадамда ҳис этасиз.

Бултурги бемаврид совуқ шоликорларга жуда қимматга тушибди. 2.343 гектар майдонга сара уруғ ҳар йилдан барвақт, сифатли текисланган ерга экинган эди. Табиий офат хуруж қилганда аксарият чек сувга бостирилиб, баъзиларида яшил майсалар кўзга ташланиб қолган эди.

— 1200 гектар ердаги шולי совуқдан зарарланганини 20 майдан сўғ, яъни об-ҳаво қизигач пайқадик, — дейди директор Хушқоб Жумаев. — Ниҳоллар кўз ўнгимизда нобуд бўла бошлади. Бу паллада сувга бостирилган ерни қуриштириб, қайта ҳайдаб, уруғ сеппилча, фурсат бери бериларди. Шу боис қолган шוליни парвариш-лашга қарор қилдик. Устига-устак августда Амударё суви кескин пасайиб, керакли миқдордаги суви ололмадик. Бошқоларнинг кўпи бу бўлиб қолди. Оқибатда қу-бўл пунктига олти юз тонна кам шולי топширилди.

Бу ҳол албатта совхоз иқтисодиётига, шоликорларнинг моддий манфаатдорликларига салбий таъсир қилди. 1988 йили 151 миңг сўм соф фойда билан аянулаган ҳужалик давлатдан 625 миңг сўм қарздор бўлди. Бошқача айтганда, даромад

1 миллион 169 миңг сўм кам-донда. 42 та бригада ва эвондан 12 таси йиллик планини бажармаганили туфайли қўшимча ҳақ ва мукофот берилмади.

Бир гектар шолипоёлдан келган даромад 1.124 сўми ташкил этди. Табиий офат рўй бермаганда, лоақал кейинчалик сув таъминоти яхши бўлганда эди, 3-бўлимнинг Панжия Авазов бошлиқ эвониси аъзолари 46 гектар майдондан 120 тонна ўрнига 42 тонна, Тожимурод Султонов эвониси 220 тонна ўрнига 182 тонна, Бозор Бердиев етакчи бўлган шоликорлар 133 тонна ўрнига 119 тонна маҳсулот топширмаган бўлармики? Ахир, уларнинг ҳаммаси ориятли деҳқон бўлиб, авваллари ваъдаларининг убадасидан чиқиб келишганди. Совуқдан талафот кўрмаган Икром Ҳамидулов бошлиқ эвон аъзолари 27 гектар майдондан 81 тонна ўрнига 147,4 тонна ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Тўрт нафар ишчи ҳужаликка қарийб 50 миңг сўм наф келтирди. Бир гектар шолипоёлдан 1.844 сўм даромад олинди. Натияжада сарфланган ҳар сўмга 2 сўм 02 тийиндан қўшимча ҳақ тўланди. Холмамат Қурбонов бошлиқ бригада шоликорлари эса 73 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, гектар ҳисобига 33,4 центнер ўрнига 50,5 центнердан хирмон кўтаришди. Бригада аъзоларининг жами иш ҳақи 22 миңг 776 сўми ташкил этди. Аҳмад Чориев, Тожинор Лолаев, Раҳматулла Муродов, Иброҳим Худойназаров етакчилик қилаётган бригада-ларда ҳам иқтисодий қўрсаткич ана шундай қувончли бўлди.

Совхоз аҳолини сифатли гуруҳ билан таъминлашнинг катта имкониятига эга. Лекин ундан оқилонга фойдаланишда жиддий етишмовчиликлар бор. Аввало, бир килограмм шולי давлатга бор-йўзи 33 тийиндан сотилмоқда. Ерининг мелiorатрив ҳолатини яхшилаш муаммоси, ҳужалик ташкил этилганга ўн тўрт йил бўлган бўлса, ўшандан буён кун тартибда турибди. Нимасини айтасиз, тупроқдаги гумус нормадагидан ўта паст бўлганлиги туфайли фақат минерал ўғитнинг кучи билан ҳосил етиштириляпти. Қарийб

икки ярим миңг гектар майдонга етарли миқдорда маҳаллий ўғит чиқаришнинг имкони йўқ. Бундан ташқари, бўзчи белбоғга элчимас деганларидек, ҳужалик Амударё этагида жойлашган бўлишига қарамасдан сув таъминоти ҳал этилмаган. Мансумда икки юздан зиёд дизель насослари ишлатилди. Ҳар 100—200 гектарда канал қазиллавериши оқибатида тупроқ ҳолати баттар ёмонлашмоқда, сувдан фойдаланиш самараси пасаймоқда.

Кунни кеча СССР Олий Советининг сессиясида Ер тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Бу яхши. Лекин деҳқон ана шу ҳужжатнинг амалий таъсирини орзиқиб кутаёттир. Ҳақиқатан нега кишлоқ муаммоларининг аксариятидан деҳқон ноқулай аҳолига тушиши керак? Об-ласт сув ҳужалиги ишлаб чиқариш бирлашмасига қарали МК-9 электр насос станцияси бор. 1984 йилда унинг иккинчи босқичи қурилган, насослар сон 8 тага етди. Агар уларнинг ҳама-сини ишлатилса, секундида 12 куб метр сув чиқарилади. Шундан 3,6 куб метри МК-9-1 каналига қувур орқали оқизилса, 800 гектар майдонда сув таъминоти яхшиланган бўларди. Айтиш мумкин МК-9, МК-10, МК-11 каналларига ўрнатилган юзга яқин кичик дизелли насос тўхтаб қолган. Демак, ортқи харажатлар барҳам толарди. Ҳозирчи, мавжуд майдонни сугорини учун 48 та митти насос овора. Ҳар кун шунча жойга ёнили ташилади.

Давлат плани бажарилмасе йил давомида деҳқонга таъна тоши ёғдирилади, боши танқиддан чиқмайди. Лекин унинг талаб ва эhtiёж-ини қондириш, амалий ёрдам кўрсатишга мутасадди бўлган ташкилотларнинг раҳбарлари ўз вазифаларини уйдалаётганликлари ёки уйдаламаётганликлари тўғрисида ҳисоб берадиган вақт етмадиимики? Давлатнинг катта маблаг ҳисобига қуриланг электр насос станциялари тўлиқ қувват билан ишлатилмасдан занглаб ётсаю, шоликорларнинг дизелли насосларга ёнили топилмасдан қуноби оҳука, бу индустриал эмас-да! Ҳукумати-мининг олий органида қарил қилинаётган ҳар қандай қонун амалий фаолият билан мустаҳкамланган тақдирда ҳам савара бериши мумкин-лигини унутмаслигимиз керак.


Б. КЕНЖАБОВ,
«Кишлоқ ҳақиқати»
мухбири.



Қумқўрғон районидидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Москва» колхозида қўшмаги дала юмушлари қизғин давом эттаёттир. Ариқ-зовурларни тартибга келтириш, ерни экин мавсумига ҳозирлаш, эртаги экинлар уруғи — қадим ситилари тадбирларни сифатли, маромида бажаришга ҳужалик деҳқонлари алоҳида эътибор беришмоқда. Усмонжон Қўдрат



тов етакчилик қилаётган алмашлаб экин бригадаси аъзолари мусобақада пеш-қанда. СУРАТЛАРДА: 1. Бригада бошлиғи У. Қўдратов (чапда) ва селлачи Тоббой Мамондов. 2. Техника қилвордори Қўшқор Этамбердиев. 3. Ариқ экин-моқда. Б. АЛИМОВ олган суратлар.



МАЙСАЛАР БАРАВЖ

Қизилтепа районидидаги «Ур-тачўл юлдузи» совхозида сўнгги йилларда пахта билан биргаликда бошқа етил экин-лар мўл ҳосил етиштирилмоқда. Бунтаҳассилар-нинг фикрича, муҳим сабаби замин ўзининг ҳақиқий эгасини топанлигида. Ҳужалик-ларда жами майдон пудрат-чилига бўлиб берилган. Улар тасаруфидидаги ҳар қар-ири ердан унумли фойдала-ниб, экинларга сифатли иш-

лов бермоқдалар, озиқлан-тириб сугораяптилар. Галлакорлар кўзда 50 гектар майдонга арпа, 150 гектар пайкалга бўғдой е-пишганди. Қиш мубайнида майсалар агротехника қон-далари асосида парвариш қилинганлиги туфайли бар-важ ўсмақда. Бригада бо-шлиғи Фармон Ҳамроевнинг қайфияти аъло.

— Биз ҳар гектар лалими ердан 15 центнердан дон

етиштиришга аҳд этганмиз, — деди у ям-яшил адирлик-ларга мамнун боқиб. — Бу марра албатта эгилланди. Турсун Файзиев бошлиқ бригада озуқакорлари эса 826 гектар безаборни пар-вариш қилмоқдалар. Унинг 80 гектаридан уруғлик етишти-рилади. Ҳозиргача жами майдон икки марта озиқлан-тирилиб, бир марта оби ҳа-ётга қондирилди. Йил охи-ригача пайкаллардан камиди олти марта ҳосил олиш ку-тилмоқда.

В. МАНСУРОВ.

Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурини ўқиб

КАМАРБАСТАМИЗ

Ҳамият янгиланиш, пок-ланиш даврини бошидан кечирмоқда. Қайта қуриш, демократия шарофати ту-файли қўшма фойдали ва-йабатли ишлар амалга оши-рилмоқда. Яхши ташаббус-лар, тақдирлар амалга ош-ириляпти. Яхши амаллар кенг қўлланиляпти. Бироқ кишлоқ ҳақиқатидида ҳали та-лайгина муаммолар борки, уларни ҳал этмасдан туриб олга қадам ташлаш қийин. Хусусан, дала юмушлари ҳам кўзда бажарилмоқда. Ҳосилни йиғиштириб олиш қўзғилиб кетаяпти. Пахта-нинг серҳосил ва тезишар навларини яратишда сези-ларли иш қилинган йўқ. Деҳқонларнинг иш вақти чегараланмаган, устига-устак уларнинг манфаатдорлиги талб даражасида эмас.

Ўзбекистон ССРни мил-лий, иқтисодий-иқтисодий ва маънавий ривожлантириш-нинг, меҳнатқашлар фар-вонлигини оширишнинг асо-

сий йўналишларини ўқиган ҳар бир одамнинг қалбидида эртанги кунга ишонч, умид уянонда. «Аҳолининг фар-вонлигини ошириш, иқтимо-ий соҳани ривожлантириш республиканинг ишлаб чиқар-иш, фан, техника, табиий-иқтисодий имкониятларидан самарали фойдаланишга, ишчи-деҳқон сифатига боғ-лиқ», — дейилади ана шу йўналишнинг дастурида. Бу борада, айтиш мумкинки, ре-монт-ишлаб чиқариш корхо-насини ишчи ва хизматчилари муайян тадбирларни рўйбга чиқармоқдалар.

Уштан йили 407 миңг сўм-лик соғлаш ишлари урилди-тилди. Кишлоқ ҳужалик-лари машина-механизмларига 135 миңг сўмлик техника хизма-ти кўрсатилиб, бу соҳадаги топшириқ зиёди билан ба-жарилади. Чорвадорларнинг буюртмалари ҳам ҳаминча диққат марказида турди.

Тармоқда 143 миңг сўмлик юмш адо этилди. Ютуқлари кўлга кири-тирилган гаровни нимада? Му-носақа намунали ташкил этилган. Голдлар ҳам мод-дий, ҳам маънавий рағбат-лантириб борилди. Инки-н-чидан устаконда ишловчи-ларнинг унумли меҳнат қи-лишлари, кўнгилли ҳордиқ-чиқаришлари учун барча қу-лайликлар муҳайб. Муҳими — турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек ақил ва иноъ янаб, фаолият кўрсатмоқдалар.

Корхонамизда асосан ҳай-дон ва чопиқ тракторлари, селлалар созланади. Бун-дан ташқари, ҳужаликлар-нинг буюртмалари бажарила-ди. Сьездлар йилидаги ре-жаларимиз янада улкан. Пландида 875 миңг сўмлик ўрнига 900 миңг сўмлик те-хника хизмати кўрсатилади. Ҳозирга қадар «Москва» совхозининг 20 та «Т-28» трактори, «Галаба» совхозин-инг 30 та «ИИ Интерна-ционал» совхозининг 12 та селласи ва бошқа кич ма-шина-механизмлар қўлдан чиқарилади. Бундан аинқис-са Топтемир Сайриев, Ислом Шодиев, Азамат Раҳимов, Топшўлат Бекматов, Баҳодир Худойбердиев, Собир Холи-қов, Муҳиддин Шамиев, Анатолий Путилов ҳам со-злашчиларлар, пайванда-чилар алоҳида намуна бўлмоқдалар. Уларнинг ҳар бири Узаро мусобақада фар-қлиштириб, пешқадамлар сафиди бормоқда.

Юрий йилда корхонамиз қуввати бирнумра ортади. Ҳозир устакон таъмирлана-пти. Бу юмушга жами бир миллион 250 миңг сўм сарф-ланади. Шу йилнинг ўзида 150 миңг сўмлик иш бажарилади. Айтиш қилди райо-нимизда янги ташкил этил-ган механизацияланган кўч-ма колонанинг Довуд Сид-диқов бошлиқ бунёдкорлари гайрат-шижоат кўрсатиб ме-ҳнат қилмоқдалар. Улар топ-ширининг 1992 йилгача уйд-лашнинг мўлжаллашган. Ҳуш-дан ишчи ва хизматчилар сон-и уч марта қўялди. 400 бо-шқача айтганда, 300—400 ки-ши иш билан таъминланади. Муҳими — устаконда барча турдаги техника воситалари-ни соғлаш йўлга қўйилди. Ҳужаликлар машина-ме-ханизмлари бошқа район ёки областларга олиб боришга ҳо-жат қолмайди. Аҳоли пул-лик хизматидан фойдаланади. Баҳорги дала ишлари қиз-ғин бошланб кетди. Деҳқон-ларнинг қўли-қўлига тегма-тир. Биз уларга ҳаминча ка-марбастамиз. Ахир, дала меҳнатқашларининг ютуғи корхонамиз ходимларининг ҳам ютуғидир.

М. РАЖАБОВ,
Ульянов район ремонт-иш-лаб чиқариш корхонаси-нинг директори.

ЕР КУРРАСИ АТРОФИДА ЕТТИ МАРТА

Охунбобоев районидидаги Ленин номи колхозинг хайдовчиси Деҳқонбой Мах-мудов ўзининг 13 йиллик меҳнат фаолияти мубайнида капитал ремонтсиз уч юз миңг километрдан кўпроқ йўл қуриб, ўзига ҳок рекорд ўрнатди. Бу вақт мубайнида унинг ГАЗ-53 машинаси қар-ийб 60 миңг тонна халқ ҳу-жалик юкларини ташиди. Юк машинаси синчиқлаб қар-аб турилиш натижасида у «узоқ умр кўрди». Д. Мах-мудов ҳар гал йўлга чиқиш олдида машинасини ўзи техник қуриқдан ўтказди. Ҳайдовчининг фикрича, унинг автомобили Фарғона водийси йўллари бўйлаб яна бир неча миңг километрга капитал ремонтсиз босиб ўта олади.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

ЖИЗЗАХ, 10 март. (ЎзТАГ). Бу ерда янги ту-зилган халқ депутатлари Жиззах область Советининг ташкилий сессияси бўлиб ўт-ди.

Жиззах область пар-тия комитетининг сек-ретари Х. Аширқов об-ласт Советининг раиси этиб сайланди. У Олий Совети раиси этиб тасдиқланди. Сессия ишида Жиззах об-ласт партия комитетининг биринчи секретари Э. Тур-сунов иштирок этди.

ФАРҒОНА, 10 март. (ЎзТАГ). Янги қарин халқ депутатлари Фарғона область Советининг бўлиб ўтган би-ринчи сессиясида ташкилий масалалар қўриб чиқилди.

Фарғона область партия комитетининг биринчи сек-ретари Ш. М. Ўздобов халқ депутатлари облост Совети-нинг раиси этиб тасдиқланди. Сессия ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Э. Р. Умарбеков иштирок этди.

НАМАНГАН, 10 март. (ЎзТАГ). Янги қарин халқ депутатлари Наманган об-ласт Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сес-сияда ташкилий масалалар қўриб чиқилди.

Наманган область партия комитетининг биринчи сек-ретари Б. А. Алдамуродов халқ депутатлари област Совети-нинг раиси этиб сайланди. Б. Ҳақимов область икрия об-ласт Советининг раиси этиб тасдиқланди.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Э. Р. Умарбеков иштирок этди.



ПИРИ-БАДАВЛАТЛАР 104 ЁШГА КИРГАН ОТАХОН

Нуроний отахон Шоҳмад Шонсломов Оржоникдзе районидagi ўзи яшаб турган «Коммунист» колхоз боғига кириб келганида миришкорларнинг қўли-қўлига тегмас, иш авжига чиққанди. — Ҳорманлар, азаматлар! — деди улардан бирининг елкасига қойиб. — Келинг, отахон, қани бу ёққа — дарахтларга ишлов бераётган йилнинг ўзи ишини тўхтади-да, отахоннинг дарҳол қўлингдан олиб, ший-понга тақилди отди. — Болом, умрингдан борака топ, ишингни давом эттиравер, ҳозир сенга кўмаклашаман, — деди Шоҳмад ота. — Отахон, юмушимиз қонча кўп бўлса ҳам, уни ўзимиз удралаймиз. Сиз уринманг. — Мен бирор етишмовчилик туғайли бу ерга келганим йўқ, — деди отахон. — Шукр, пиру бадавлатман. Лекин ишламай ҳам туролмайман. Бир кун боғ айланмасам, тобим қочиб қолади...

Эзувчи Р. Ота Турк янги қиссасини ана шундай деб атади. Унда рост сўз ва ёлғончилик, жасорат ва қўрқоқлик ўртасидан азалий кураш қаламга олиниб, турмушнинг даврининг жимлик, мутелик каби иллатлари рамазий йўсинда тасвирланади. Қўйда шу асардан парча ўқийсиз.

Эртасига Танбал кутган мўнжиза юз бермади: Эркин шомолламиди. Ташқари иссиқ, қодир ичи салқин. Эркин тўшакка ўраниб ухлаган, шу ётишча болалар келикка қайтган маҳал озодликка чиққан эди. — Бир-бирига ўчакишдими — у ниме деса бола бажарар, натижа эса бир хил: кутганининг тескарисин кўтириб чиқарди. — Нима бало, умуртқанг йўқми сенинг, одаммасаман, гапир, кимсан! — Танбал кунда янги оёқ турганча ўқирди. — Урсанг-чи, сўсанг-чи, ярамас, ахир бунча хўрламасанг менни!

Эркин унинг бир пой этигини кучоғига сиққанча мўнжиза тираб турар, қочиб, сўнгишчи нин хавлига ҳам келтирмасди. У боланинг қўлидан этигини олиб олди-да, юзига тарсаки тортиб юборди. Эркин кумга ағанаб, занф ингради. — Овозинг бор экан-ку, номард, сен ҳам йнгларкансан, одам эксан-ку! Қаттиқроқ йнгла, жўраларинг зшитсин!

Инграган овоз тинди. Танбал уни шу кўйи қолдириб, ортига қарайди кетди. Чоғроқ саксовул соясига ёниб бошлаб нафас ростлади. Тамаки тортиш келди. Чекимасди у. Бир пайлар ҳавасга — бировларга тақлидан чеккан. Гоҳида ўша кунларни хотирлаб «рост-ёлгон кунларим» деб мийинга куладди. Нима бу — илминга, ҳаваси ё бир ўзга кунга ташналик, ўзини тайёрлашнинг йўлиб қараса, ҳеч нима, кекишинг ҳам удрасидан чиқмаган. Ношудман! Шу кунга раст-ёлгоннинг фарқига бормай, умрим суз қўйгандаким-жит, бехавотир, сокин келди. Мени ҳеч ким сўрамади, мен ҳеч кимни сўрамадим. Ҳеч кимга даявом йўқ менинг! Аслиде-чи... Вақт этиб, рост кун сени худодай қеришларкан. Тили йўқ гўдакдак нима қилишининг билмайсан, ҳайратдан аёқ муфтлайсан, шундан бошқача ярмайсан. Ношудман, ношудман!...

Кенг, узун хона. Деворда дуня ҳаритаси, яна кимнингдир сурати осилди. Турда савлатли йазу столи. Унинг устида тарвуз палласидек қора муҳр. Эркин ўнг қўли билан муҳр дастасини маҳкам сиққанча, оғирлигини курси суянчигига ташлаб, таъзим билан бош эканларга қўларини ёниб қарайди. Ниҳоят, у ўриндан турди. Тезиндагилар кичрайди— митти қамқошқоқлари, тенг-тур синфдошларига айланди. Эркиннинг боши шифтга тегай дейди, белда камар, унда узун гипофли қилич осилди. Хона бўйлаб нардан-бери юрганга тамир пол «так-так» этиб овоз чиқарди. Туйкуни йнглаларга қаради-да, ўртада тўхтади. Кутилмаганда у қиличнинг қиндан суғурди, хона бўйлаб сочилиган митти ҳамюртларини бир-бир иллаб қамроқ бошлади. Миттилар ҳушланиб бир бурчакка сиқилди. Юрак туйиб ҳеч ким Эркинга яқин йўламади. — Барингни чопаман, киреман! — у ғазаб билан сөгиди-да, тўдага қилич солиди. Хонани дод-фарвуд қарғиш қолди. Миттиларнинг фарёди ҳадеганда тинмади. Хонада

Бола елка қисди, индемади. — Эса, мен ёздирган гапни таскорла. У Танбал ёздирган жавоб — ўз сўзи ўринга қийинчилик. — Анави, Малик янтоқ чопмайди, тўп тепамиз деб болаларни қийнайди, — деди. — Нима! — Танбал гўё қудуққа тушиб кетганди бўлди. Чўқиб, боши тош деворларга урилиб, қатнади — ўтирган жойида мувозаанатини йўқотди, қўлқорларини шангилаб битди, очилди... Эркинга сездирмаслик учун атай пешонасини сиқди. Бироз ўзинга келгач, ҳолатини ўзгартирмади. — Яна қиллар янтоқ чопмайди, дагасалар борми! — деб сўради. — Сулаймон, Баҳром, Усмон, Султон...

— Бас, бас! — Танбал икки қўлини бошидан ююргига қўтарди, — таслим бўлдим, — Эркин эса ҳамон ўша, мунгайган кифеда исм санар эди: Гаффор, Зоҳир, Олим, Утам... Танбалнинг дод солиб қочганис келди, қаршида қимчилик Эркиннинг озгидан кичикка сўзлар ўли халқа мисол бўйнига тушди, эди. Туролмади. Назарида қўйси шийиб, танаис оғирлашди, ҳаво симириди, йнгиламлиқ учун қўлларини йнгила тираб, илк дафта Эркиннинг қўли билан қўйиб, йўқ бу — болани эмгик қийин, йўқ бу — болани эмгик, махлук, худонинг юборган махлук, бу мени ўнлардан — ютиниб, бошини ортига ташлади... Кутилмаганда самолет учиб ўтди. Танбал тепага қараб қолди. У халигача бирор бир шакрга уммаган. Ким билсин, балки самолет узоққа йўл олгандир! Инча қиллар бор экан, улар не ҳавл, не мақсада умчашаяпти экан! Қушдан қайнаган суз қуметаларда Хотам Танбал деган бир антоқчи, сакройи борилингни билишариники! Қаршида мум ташлади, тўрт оғи янтоқ деб жўраларини сотган Эркин ўтирганни қўришди...

Танбал қўлини белига тираганича осмонга узок тикилди. Осмон бандан, тинки, кимсансиз, унинг жумбушга келган армоларидек йироқ, кўл этмас эди. Ушанда уста Мустафо ҳақ экан, у осмоннинг баландлигини, учс, орзу-умидларни рўёбга чиққинини билган экан-да. Танбал унинг устидан кулиб чакки қилган. «Ношудлик ҳам эди билан-да» — унинг бўйни оғриб қўзини осмондан узди. Эркинга қарамади, унга қўйс тўшас, гўё юрагига ўт бўлиб кирган армоларидан айрилиб қолганда, йироқ бўлса-да, гўё бўлса-да, ҳозир шу соғинчу армоларига суянгис, ишонгис келди. «Нечундир бўлганча, менга нима бўлди ўзи? Е чиндан ҳам хотиним айтган жин йўлқидим-а?» — кўзи Эркинга тушди-у ваҳолати билан тепасига бостириб борди. У қўрқиб тисарилиди. — Қоچма, қоچма, Эркин, сен жинсан, одам бўлсанг, айт, осмоннинг эгаси ким! — Танбал Эркинни биланган тортиб ўзига қаратди-да, — айт, айт! — деб қистовга олди. — Билмайман. — Айт! — Билмайман. — Билмайсан, билмайсан сен! — у икки қўлаб Эркинни бўғди.

— Энди этигини очмайсан. Сени қийнамайман. Ҳар кимга ўзи нисоф берсин. Ҳар кимни ўзини одам санаса, у нисофнинг боласи. Сен кимнинг бои ласанга, Эркин! Тунов кун раис сўраганда мен билмайман, ўнган сўраган, дедим. Сен рақаб бўласан, Эркин, ишонмасанг, «лендан сўра»... Танбал хушини йнгиб, поймалоқ гапларини тўхтатгунча Эркиннинг ранги бўзарди. У ҳар кунги Танбалга ўхшамас, бир қадав мулойим, шифақетли кўринса-да, барибир нимаси биландир қўрқинчи, гўё Эркинни номалом, мақсадсиз манзил томон етказиб, ҳайратини ошқормоқда эди. Кетаятиб, саксовул шоҳидан синдириди-да, Эркиннинг қўлига тўтқазди: — Бугун мени бошлаб калтақла, бир роҳат қилмай. Таниш манзилгоҳга етишганда тўхтади. Танбал эски жойига қўйди. Анча жин ўтиришди. Бир пайт Танбал сўз бошлади: — Энди нима қилмайсан, Эркин!

ХАЙРИЯ ОШХОНАЛАРИ

Намангандаги иккита ошхона эндиликда ҳайрия ошхоналари деб аталадиган бўлди. Бу ошхоналарга оддий хўрадаларга хизмат қилишдан ташқари, қариялар, кам таъминланган одамларга бепул тушликлар ҳам ташкил этилади. Дастлабки вақтларда нархи бир сўм турадиган тушлик таомлар кунига бир марта уюштирилди. Ошхонага келишга қурби етмайдиганларга овқат уларнинг уйига етказиб берилди. Област партия комитети, ҳалқ депутатлари област Совети ҳайрия ошхоналарини ташкил этишда ташаббус билан чиқди. Шаҳар қорхоналари ва ташкилотлари ана шу меҳр-муруват ҳаракатини пул билан таъминлашга киришди. Дастлабки маълумотларга қараганда, бу иш учун ҳар йили 200-220 минг сўм пул керак бўлади.

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Халқимиз азалдан ўсимликлар дунёсининг сирли хоссалари билан қизиқиб, шифобахш хусусиятларига бойдаланган келганлар. Табиат неъматларининг асариятида турли дармондорилар, инсон танасига илҳомий таъсир этувчи бошқа хил моддалар мавжуд. Қўйда илк баҳор қўқатларидан айримлари ҳақида тўхталамиз.

ГУЛҚОҶИ Бу жажжи ўсимлик маҳаллий аҳоли ўртасида қоққўт ёни моҳомойиқ деб ҳам юрилади. У жумҳуриятимизнинг барча ерларида уйғайди. Асосан дала, кир, яллов, тоғ этаклари, оқар суз қирқоқларини маҳон этади. Гулқоқни эрта баҳорда, қунлар йилий бошланганда ўсиб чиқади. Таркибида фойдалан моддалар бисёр. Бўйи бир қарч, барг қўрниниш чўзиқ нашарсимон, четлари патсимон кесик. Гули сариқ саватчага тўпланган. Бу гилёҳ қадим замонлардан бери халқ табобатида қўлланаб келинади. Абу Али ибн Сино ўз вақтида гулқоқни шарбатини житар касалликларига қалинганларга тавсия этган. Унинг сут шираси билан эса кўз пардасини даволаган. Гулқоқдан халқ табобатчилигида ҳам фойдаланиб келинади. Илдизи ва баргларидан тайёрланган даволашма шифа ўйғотади, таомни енгий сингдиради, пешоб ва ўт ҳайдайди, житгарга ором беради.

Эрта баҳор неъматли бўлиши гудқоқнинг мураккаб барглари бошқа қўқатлар билан бирга сомса ва чўчава тайёрлаб, истеъмол этилса, соғлиқни мухташамлайди.

КАТРА

Мижоз қийим-кечакларни кимийвий усул билан тозалайдиган устеҳонага келди-да, қабул қилувчи мурожаат эди: — Костюминини тозалатгани олиб келудини, бу ишни неча кунда бажарасизлар? Қабул қилувчи жавоб берди: — Уч кунча. — Нега энди уч кунда? Қизик. Ахир газетда чиққан сохтада тайёрлаб берамиз, деб «Визитерлар-ку!» — Сиз тўрт тушининг. Биз ҳам бошқа одамлар сингари ҳар кун фақат саккиз сохтадан ишлаймиз-да! — Уқитувчи ўқувчига мурожаат қилди: — Сочингни тарамасдан нега бунақа памоқ бола бўлиб юрисан! Бу одобдан эмас. Ҳукучи беларвоғина жавоб берди: — Таровин йўқ-да. — Даданг билан ойингга айт, олиб беришин.

СПОРТ ОБОРОТИ

ФИГУРАЛИ УЧИШ Канаданинг Галифакс шаҳрида ўтказилган жаҳон биринчилигида мамлакатимиз вакиллари муваффақиятли қатнашдилар. Жуфт бўлиб учиди Екатерина Гордеева билан Сергей Гриньков ҳурмат шоҳсулганининг юқори логонасига қўтарилишгани ҳақида хабар берган эдик. Эртаси кун муз устида спортча рақс тушишда Марина Климова ва Сергей Пономаренко тенг келадиган рақиблар топилмади. Майя Усова ҳамда Александр Жулин учинчи ўринни эгаллашди. Эрақлар ўртасида яна тараза фигурали учиди Виктор Петренко кумуш медалга сазовор бўлди.

ҚУЛ ТУПИ Прагада жаҳон биринчилиги бўлиб ўтди. Халқ қилувчи финалда СССР ва Швеция терма командалари учрашдилар. Биринчи бўлим совет спортчиларининг фойдасига (12:11) туғди. Лекин танабуфусдан сўнг ташаббус шведияликлар томонига ўтди. Пировардида улар 27:23 ҳисобида ғалаба қозониб, юксак унвон соҳиб бўлидилар. СССР терма командаси кумуш, югославияликлардан устун келган (27:21) руминаликлар эса бронза медалларини қўлга киритдилар.

ШАХМАТ Москвадаги халқаро мусобақа (аёллар ўртасида) яна бир турдан кейин якунланди. Ҳозирча 8 имкониятдан 7 очко тўлган ливонлик грессейстер Марта Литинская пешвадамлик қилапти. Э. Лельчук-Полова ва И. Челушани кейинги совринли ўринлари эгаллаб туришибди. Улар ҳисобида 6 тадан очко бор.

ФУТБОЛ Олий лигада иккинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Беш учрашувда дарвозалардан 8 та тўп киритилди. Шуллардан 5 таси майдон эгалари, 3 таси меҳмонлар ҳисобида ёзилди. Икки матчада мезбонларнинг қўли банд келди. Уч ўйин дуранг бўлди.

Мавсумини ғалаба билан бошлаган «Черноморец» ана ўз мухлисларини хушроқ этди. Одессалик футболчилар Вильсоннинг «Жальгирис» коллективини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. «Помир» «Шахтёрини» (Донецк) қабул қилди. Қизиларни ўтган матч тожини толиқ футболчилар фойдасига (2:1) якунланди.

«Динамо» (Москва) — «Ротор» (Волгоград), МАСК — «Динамо» (Киев) командалари учрашувда кучлар тенг (1:1) келди. «Арарат» (Ереван) — «Металлист» (Харьков) матчида ҳисоб очилмади.

УИНИЛАР ЖАДВАЛИ

	У	Т	О
«Черноморец»	2	4	1
МАСК	2	5	3
«Помир»	2	3	3
«Днепр»	1	3	2
«Спартак»	1	3	2
«Торпедо»	1	2	2
«Динамо» К	2	2	2
«Металлист»	1	0	1
«Динамо» М	2	3	1
«Ротор»	2	4	1
«Арарат»	2	3	1
«Жальгирис»	1	0	1
«Динамо» Ми	1	3	0
«Шахтёр»	2	6	0

МУҲАРРИР ҲАҚИҚАТИ

Мамлакат биринчилигидаги (олий лига) навбатдаги учрашувлар қўйдаги натижаларни берди: «Спартак» (Москва) — «Крылья Советов» (Москва) — 2:2, «Химик» (Воскресенск) — МАСК — 2:5, «Сокол» (Киев) — «Динамо» (Минск) — 5:2, «Торпедо» (Ярославль) — «Динамо» (Рига) — 1:4. Биринчиликда Москва динамочилари (71 очко) пешвадамлик қилишяпти. Иккинчи ўрини эгаллаб турган МАСК хоккейчиларида 70 очко бор.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА КҮРИНГ

13 МАРТ, СЕШАНВА

17.30 «Вешен қўйинларни». Телестудия фильм.

17.40 Кўрсатувлар программаси. 17.45 «Қанотсиз гошча». Мультифильм.

17.55 «Ўзбек тилини ўрганиш» (такрор).

18.30 «Ешлик» студияси кўрсатиди. Мисрада дўстона учрашувлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Покишан йўлдан». КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездида Ҳаркат дустури лойиҳасини муҳокама қилди.

20.20 «Нишонлар». Катталар учун мультфильм.

20.30 «Ахборот».

20.50 Бадий ҳаваскорлик коллективларининг жумҳурият телевидион кўриги. Фарғона вилояти «Район» ансамбли ижро этади.

21.30 Москва. «Время».

22.00 «Толшоқда ҳам дароҳт ўсади». Бадий фильм. 2-серия.

23.10 Янгилликлар.

23.15 Кўрсатувлар программаси.

● УЭТ II

19.05 Рағби. «Звезда» (Тошкент) — СССР терма командаси ўрта-

сида ўртоқлик учрашуви. 19.45 «Алп йигитини уйланиши». Бадий фильм (Грузия-фильм).

20.50 «Тошкент» студияси кўрсатиди. «Қишлоқда аҳолилар қандай?». ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ: 21.30 Москва. «Время».

22.00 КПСС XXVIII ва Тожикистон Компартиясининг XXI съездлари олдидан. «Нури зиндаги». Пролетар район.

● МТ I

7.00 «120 минута».

9.00 «Омадли аёллар». Беш серияли телевидион бадий фильм. 3-серия — «Дуся».

10.15 Футбол. СССР чемпионати. «Днепр» — «Торпедо». Днепропетровскдан кўрсатилди.

11.55 Болалар соати. 12.55 Коллаж (реклама, эълонлар, акробат).

13.00 «Время». Янгилликлар телевидион хизмати.

13.30 «Бу бўлган... бўлганди...». 13.50 «Хитавот оламиди». 14.50 «Трипраткан, кучук ва Ниқо Исмли Бол». Мультфильм.

● * * *

16.35 «Ашар». Телевидион ҳужжатли фильм.

17.00 «Ролда муаллифининг ўзи чалади». Композитор В. Кобелевич. Свердловскдан кўрсатилди.

17.20 «Социализм муаммолари». «Социализм назарисидан» янги тўпламини.

муҳокама қиламиз». 18.05 «Хор ҳамда биз». 18.50 «Велоспеднинг жиловла-ниши». Мультфильм.

19.00 «Время». Янгилликлар телевидион хизмати.

19.30 Ешлар баҳарномаси. 20.10 «Шахсар» ва вазиетлар. Ҳужжатли фильм премьераси («Козофильм»).

20.30 Телестабилларнинг талаб-ларига биноан. «Чолқушчи». Беш серияли телевидион бадий фильм. 2-серия.

21.30 «Время». Янгилликлар телевидион хизмати.

22.00 «Святослав Рихтер йилномаси». Телевидион ҳужжатли фильм.

23.15 «Сўнги манзилгоҳ». Рус мухожирини А. Ширинская-Ман-

штейн тақдирини ҳақида. 00.15 «ТСН». Янгилликлар телевидион хизмати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика. Ҳуку прогаммаси

9.15 Илмий-оммабоп фильмлар: «Нукта ва қирол қиз ҳақида», «Нукта қолдирган наз», «Кичкинтойлар учун геометрия туркумидан».

9.35, 10.35 Оилавий турмуш этикиси ва психологияси. 10-синф. Омалик сирлари.

10.05 Француз тили. 1-йил шуғулланувчилар учун.

11.05 Француз тили. 2-йил шуғулланувчилар учун.

11.35 Биология. 6-синф. Гулдан урунган.

11.55 «Билимдонлар учун машар». 12.40 СССР халқ артисти Г. Не-

«КИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» — «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб. — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурлиши бўлими — 32-56-34. Дехқончилик бўлими — 33-54-33, 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлими — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р. — 04132. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашрийтининг Меҳнат Қизил Байроқ орденили босмаҳонаси. Тошкент шаҳри. Д. 1153. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12